

- обеспечить повышение уровня жизни населения.

Другой целью использования налоговых льгот является не только полное или временное освобождение от налогов или снижение налогов для части налогоплательщиков, но и рациональное использование средств, остающихся в распоряжении предприятия.

Серьезные проблемы возникают и с продолжительностью периода льгот в налоговых отношениях. В частности, несвоевременное использование предприятиями налоговых льгот свидетельствует о том, что определенная сумма их средств будет переведена на счет бюджета, а это, в свою очередь, приведет к неэффективному использованию этих средств. В целом существующие проблемы, выявленные в механизме применения налоговых льгот, свидетельствуют о том, что этот механизм еще не до конца разработан.

Список использованной литературы:

1. Налоговый кодекс Республики Узбекистан. Ташкент 2019 Статья 75. С. 76-77.
2. Маликов Т. Стоит ли радикально снижать налоговое бремя? - Т.: Национальная библиотека Узбекистана имени А. Навои, 2006. С. 32.
3. Кузиева Н. Анализ влияния налоговых льгот на регулирование экономики Узбекистана // Архив научных исследований. - 2020. - Нем. 24.
4. Гатауллин Ш. Налоги и налогообложение. Ташкент. 2006. С. 74.
5. www.lex.uz Влияние налоговых льгот на экономику. 2022 год.

ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Бердиев Акрам Ўқтамович
Тошкент давлат иқтисодиётуниверситети
мустақил изланувчиси

Ҳозирги даврда дунёда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви, шунингдек халқаро ва маҳаллий бозорларда рақобатнинг кескинлашуви тижорат банкларида лойиҳавий молиялаштириш механизmlарини такомиллаштириш долзарбилигини кўрсатмоқда. Мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларини жадал ривожлантириши таъминлашга қаратилган лойиҳаларни молиялаштирушни такомиллаштириш, самарали ва ўз вақтида амалга ошириш мақсадида бир қанча хуқуқий-норматив ҳужжатлар қабул қилинди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тӯғрисида»ги[1] янги таҳрирдаги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тӯғрисида»ги[2], «Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини

шакллантириш ва амалга оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимиға ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги[3] фармонлари қабул қилинди ва маблағларини фаол жалб этиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шулардан келиб чиқсан ҳолда, мазкур чора-тадбирлар доирасида иқтисодий жиҳатдан асослантирилган инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбалари аниқ белгиланган ҳолда мамлакатни ривожлантириш давлат дастурлари ва молиялаштиришнинг сифат жиҳатдан янги тартиби жорий этилди.

Айтишимиз мумкинки, кийинги йилларда мамлакатимиз банк тизими жами кредит портфелида инвестицион кредитларнинг янада ўсаётганлигини кўришимиз мумкин. Бу эса ўз навбатида, тижорат банкларида лойиҳавий молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш заруратини юзага келтиради ва ўзига хос илмий-назарий асосларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодиётда инвестиция фаолиятини молиявий бошқариш, қулай инвестиция муҳитини яратиш, мамлакат иқтисодиёти ривожланишида инвестиция фаолиятига таъсир қилувчи омилларни ўрганиш бўйича, хорижий инвестициялар фаолиятини такомиллаштириш юзасидан кўплаб масалалар бир қанча иқтисодчи олимларнинг олиб борган илмий тадқиқотларида атрофлича ёритилган.

Жумладан, хорижлик иқтисодчи олимлардан С.Валдайцев ва П.Воробьев томонидан чоп этилган дарсликда ижтимоий соҳани инвестиция молиялаштириш манбалари таҳлил қилинади. Ижтимоий даромад олиш жараёнларига сарфланган пул маблағлари келажакда янада юқорироқ даромад ёки ижтимоий самара топишдан иборат деган хulosага келинади[4]. Я.С.Мелкумов ишлаб чиқариш ва тадбиркорликни ривожлантиришда фойда олиш мақсадида инвестицияларни молиялаштиришда молиявий, мулкий ва интеллектуал қўйилмалардан самарли фойдаланишни таҳлил қилган[5].

Шунингдек, маҳаллий олимлардан А.Вахабов, Д.Ғозибеков, Н.Каримов, Н.Ҳайдаров, Н.Жумаев, Б.Тухлиев ва бошқа олимлар ҳам ўз тадқиқотларида хорижий инвестициялар ва инвестицион фаолиятни молиявий бошқариш масалалари тадқиқ қилинган.

Жумладан, профессор Н.Каримовнинг фикрича, “Юксак даражада ривожланган мамлакатлар иқтисодий тараққиёти таҳлили қўрсатмоқдаки, инвестицион фаоллик билан иқтисодий ўсиш борасидаги алоқадорлик бир хилда эмас. Бунда улар бир-бирини тақозо этиши кўзатилади. Иқтисодий ўсиш иқтисодий фаолликка боғлиқ бўлгани ҳолда, ўз навбатида, иқтисодиёт тараққиётининг ҳар бир конкрет босқичида мамалакатнинг реал имкониятларини белгилаб беради.

Бошқача айтганда, ЯИМ ўсиши суръатлари қанча юқори бўлса, инвестицион ресурсларни кенгроқ вужудга келтириш ва шу асосда самарали инвестиция сиёсатини юритиш учун имкониятлар шунча кўпроқ

бўлади”[6] деб таъкидлайди. Бундан ташқари, юқорида номлари келтириб ўтилган бошқа иқтисодчи олимлар томонидан ҳам инвестицион фаолиятни молиявий бошқариш механизмлари бўйича айрим жиҳатлари тадқиқ этилиб, бу борадаги муаллифлик ёндашувлари илгари сўрилганлигини кўришимиз мумкин.


Республикада инвестиция фаолиятининг давлат томонидан бошқарилиши ҳозирги кунда асосан молиявий ресурсларни давлат мақсадли дастурлари ва қонунлар билан белгиланган тартибда аниқланадиган бошқа давлат эҳтиёжларига йўллаш орқали амалга оширилади.

Умуман олганда, давлат инвестицияларининг самараси камроқ деб ҳисобланади, сабаби улар аксарият ҳолларда ноишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантиришга йўлланади.

Бундан ташқари, ҳозирги шароитда бюджет маблағлари чекланганлиги сабабли уларни катта миқдорда амалга оширишнинг имкони мавжуд эмас. Давлатнинг бюджет ресурслари биринчи навбатда мамлакат ва ҳудудларни ривожлантиришнинг мақсадли инвестиция дастурларини бажаришга йўналтирилади.

Бугунги кунда дунёning 50 дан ортиқ мамлакатлари мамлакатимизга барқарор тарзда инвестиция киритмоқда. Улар иқтисодиётимизнинг асосан металургия, энергетика, кимё саноати, электротехника, машинасозлик, енгил саноат тамоқларида фаолият юритаяпти.

Тижорат банклари томонидан охирги йилларда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг алоҳида иқтисодий фаолият турлари бўйича улушини кўриб чиқадиган бўлсақ, бунда саноат ҳамда жисмоний шахсларга ажратилган инвестицион маблағлар ҳажми юқори салмоқقا эга эканлигини кўриш мумкин бўлади (1-диаграмма) [7].



1-диаграмма. Тижорат банклари томонидан асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг алоҳида иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимоти (2023 йил 1 январь ҳолатига, фоизда)

Маълумотлардан кўринадики, асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 30 фоизи саноатга йўналтирилган. Шунингдек, бошқа иқтисодий фаолият турларидан ташқари: жисмоний шахсларга ажратилган инвестициялар ҳажми умумий киритилган инвестицияларнинг 25 фоизни ташкил этмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, тижорат банкларида лойиҳавий молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш кўп қиррали жараён бўлиб, ушбу жараённинг самарали йўлга қўйилиши мақсадида қўйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим ҳисобланади:

- тижорат банклари томонидан лойиҳаларга ажратилаётган маблағларни мақсадли, самарали сарфланишини доимий равища таҳлил қилиб бориш, молиялаштиришнинг ташқи манбаларини кенг жалб этиш, мамлакатга янги лойиҳалар ва қўшма корхоналар ташкил этиш учун тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари келишини рағбатлантириш, ишлаб чиқариш қувватларини тўлиқ ўзлаштириб олгунига қадар барча турдаги божхона тўловлари, солиқлар, йиғимлардан имтиёз ва преференцияларни кенг қўллаш.

- иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлаш ва иқтисодий ўсишга банк тизимининг ижобий таъсири, инвестиция фаолиятини молиялаштириш учун ташқаридан маблағ жалб қилиш ҳажмларида халқаро молия муассасалари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва бошқа марказлаштирилмаган манбалар маблағлари ҳисобидан қўпайтириш.

- тижорат банкларида инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришдаги рисклар даражасини мунтазам равища пасайтириш чораларини илмий ёндашган ҳолда қўллаш мақсаддага мувофиқ ҳисобланади ва узининг ижобий самарасини бериш имкониятини оширади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги ЎРҚ-598 қонуни. 25.12.2019 й. ҚҲММБ: 03/19/598/4221-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон фармони. ҚҲММБ: 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга ошишининг сифат жиҳатидан янги тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5717-сон фармони. ҚҲММБ: 15.05.2019 й., 06/19/5717/3132-сон; 18.08.2020 й., 06/20/6042/1190-сон.
4. Инвестиции: Учебник С.В.Валдайцев, П.П.Воробьев и др.; Под ред. В.В.Ковалева, В.В.Иванова, В.А.Лялина. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2003. С.17
5. Мелкумов Я.С. Инвестиций. Учебное пособие.–М.: ИНФРА-М, 2003. – С.8.
6. Н.Ф.Каримов Инвестицияни ташкил этиш ва молиялаштириш: Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2011. 90 бет.
7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий веб-сайти [https://cbu.uz/oz/statistics/ \(www.cbu.uz\)](https://cbu.uz/oz/statistics/)